


**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**“Uzbekistan Airways” АЖ**  
**Бошқарув раиси**

  
**Ш.Ш.Худайкулов**

**“16” 05 2025 йил**

**“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви мажлисининг**  
**22-сонли БАЁННОМАСИ**

**“16” 05 2025 й.**

**Тошкент ш.**

**Раислик қилувчи:**

**Ш.Ш.Худайкулов**

**Бошқарув раиси**

**Қатнашувчилар:**

**У.А.Хусанов**

**Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича  
биринчи ўринбосари в.в.б**

**А.А.Саттаров**

**Бошқарув раисининг трансформация,  
молиявий ва рақамлаштириш масалалари  
бўйича биринчи ўринбосари в.в.б**

**Ш.Ш.Ядгаров**

**Бошқарув раисининг тижорат ва туризм  
бўйича ўринбосари в.в.б**

**Ш.И.Икрамов**

**Бошқарув раисининг парвоз ишларини  
ташkil этиш бўйича ўринбосари в.в.б**

**С.Р.Уралов**

**Бошқарув раисининг режим ва авиация  
хавфсизлиги бўйича ўринбосари**

**Иштирок этганлар:**

**“Uzbekistan Airways” АЖ департамент,  
бошқарма ва бўлим бошлиқлари**

**Мажлис ўтказиш жойи**

**“Uzbekistan Airways” АЖ марказий аппарати  
Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 41-уй,  
конференциялар зали**

**“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви тўғрисида”ги Низомнинг  
4.2-бандига кўра, Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум сайланган  
Бошқарув аъзолари умумий сонининг камида 50 фоизини ташkil қилиши  
белгиланган.**

**“Uzbekistan Airways” АЖ (кейинги ўринларда- Жамият ) бошқарувининг  
мазкур йиғилишида кворум 100 фоизни ташkil этди.**

## КУН ТАРТИБИ:

**2025 йил май ойида “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ижросини таъминлаш натижалари тўғрисида**

---

*(Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Икромов, Уралов, Худайкулов)*

“Uzbekistan Airways” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) бошқарув раиси Худайкулов Ш.Ш. кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Жамиятга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 27 март куни давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича жорий йилги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган **16-сонли топшириқлар баёни**, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, хорижий давлатлар билан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган **17-сонли топшириқлар баёни** келиб тушганлигини таъкидлади. Хусусан, 16-сонли топшириқлар баёни бўйича жами **3 та топшириқ** келиб тушганлигини, ундан **2 таси** Жамият томонидан бажарилганлигини, **1 таси** бажарилаётганлигини, шунингдек 17-сонли топшириқлар баёни бўйича эса Жамиятга жами **3 та топшириқ** келиб тушганлигини, улардан **1 таси** бажарилганлигини, **2 тасини** Ҳисоб палатаси маълумот учун қабул қилганлигини айтди.

Шунингдек, Жамиятга 2025 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаро авиация корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги **ПҚ-5100-сон** қарори **1.3.8.3-банди** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоасининг Туркия Республикасида ўтказиладиган мусобақада иштирокини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 30 апрелдаги **Ф-31-сон** фармойиши **6-банди** ижро учун келиб тушган ва ушбу топшириқ Жамият томонидан бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 ноябрдаги **199-сон мажлис баёнининг 2-иловасига** мувофиқ масъуллар ҳар ойда камида бир марта ўзлари бириктирилган маҳаллаларга борган ҳолда, ушбу баённинг 3-иловасида белгиланган ҳар бир вазифани ўз вақтида ва самарали бажарилишини ташкил этиш ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида республика комиссиясига ахборот киритиб бориш белгиланганлиги ҳамда ушбу топшириқ Жамият томонидан бажарилганлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият бошқарув аъзолари ўртасида муҳокамалар бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилиш учун **овозга қўйилди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 27 март куни давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича жорий йилги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган 16-сонли топшириқлар баёни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, хорижий давлатлар билан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган 17-сонли топшириқлар баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаро авиация корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ-5100-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоасининг Туркия Республикасида ўтказиладиган мусобақада иштирокини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 30 апрелдаги Ф-31-сон фамойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 ноябрдаги 199-сон мажлис баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари кейинги ойларда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириқлари ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Кун тартибидаги масала юзасидан овоз бериш натижалари:

ёқлаб - 6-та овоз (Худайкулов, Хусанов, Саттаров, Ядгаров, Икромов Уралов), қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан **қарор қилинди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 27 март куни давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича жорий йилги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган 16-сонли топшириқлар баёни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2025 йил 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, хорижий давлатлар билан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган 17-сонли топшириқлар баёни, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Фуқаро авиация корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ-5100-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоасининг Туркия Республикасида ўтказиладиган мусобақада иштирокини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 30 апрелдаги Ф-31-сон фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 ноябрдаги 199-сон мажлис баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари кейинги ойларда “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши ва топшириқлари ижросини сўзсиз ва белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Мажлис котиби:



Ш.Солиева